*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 184 (8174). ● 28 сентябрь, 1983 йил. ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

## МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

(27 сентябргача)

**Сайдулла АБДУВАЛИЕВ** — Бўка районидаги Ильич номли колхоздан, 14ХВ-2,4 маркали машинада бир кунда — 6 тонна, мавсум бошидан — 102 тонна.

**Урoқбой НИШОНОВ** — Ғалаба районидаги «Победа» колхозидан, 17ХВ-1,8 маркали машинада бир кунда — 10 тонна, мавсум бошидан — 100 тонна.

**Абдушукур ҚУРМАШОВ** — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозидан, 17ХВ-1,8 маркали машинада бир кунда —10 тонна, мавсум бошидан — 100 тонна.

**Ҳолбой СУБОНОВ** — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозидан, 17ХВ-1,8 маркали машинада бир кунда — 11 тонна, мавсум бошидан — 86 тонна.

**Михаил КОВЕШНИКОВ** — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозидан, ХНП-1,8 маркали машинада бир кунда — 10 тонна, мавсум бошидан — 85 тонна.

**Сафар ХУДОЙБЕРГАНОВ** — Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозидан, ХН-3,6 маркали машинада бир кунда — 14 тонна, мавсум бошидан — 42 тонна.

*Балли, чеварлар!*



Суратда: Бўка районидаги Фрунзе номли колхознинг чевар теримчиси Ҳамида Бўронова кунига 210—220 килограммдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда. У мавсумда етти тонналик хирмон уйишга аҳд қилган.

П. Эргашев фотоси.



Суратда: 15 тонналик марра учун курашаётган Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзоси Санобар Қорабоева кунига 130—140 килограммдан «оқ олтин» ҳосилини йиғиштириб олмоқда.

М. Қорабеков фотоси.



Суратда: Урта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси Умриниса Рўзибоева ҳам йиғим-теримда баракали меҳнат қилаяпти. Ҳар куни оқшомгача унинг терган пахтаси 140—150 килограммга етмоқда.

В. Портнов фотоси.

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

**● Утган куни областимиз пахтазорларида 2 мингдан зиёд терим агрегати юксак унум билан ишлатилди. Уларнинг ҳар бири билан ўртача 4,2 тоннадан пахта териб олишга эришилди.**

**● Бўка ва Оққўрғон районлари механик-ҳайдовчилари кунлик теримда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Утган куни Бўка райони пахтазорларида ишлаган 350 та «зангори кема»нинг ҳар бири билан ўртача 5,8 тоннадан пахта терилди. Оққўрғон райони далаларида ишлаган 375 та терим машинасининг ҳар бири бункеридан ўртача 4,8 тоннадан пахта тўкилди.**

### ҒОЛИБЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

● ЧИНОЗ. Куни кеча хўжаликлар, пахта йиғим-теримига жалб этилган ҳашарчи бригадалар ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақанинг навбатдаги беш кунлиги якунланди. Йиғим-теримда юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун Навоий номли колхоз, норуда қурилиш материаллари комбинати ҳамда 20-ўрта мактабнинг ҳашарчилар бригадалари мусобақа ғолиблари деб топилди. Бу коллективлар кўчма Қизил байроқ ҳамда социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина билан тақдирланишди.

### ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ПЕШҚАДАМ

● ШУ РАЙОНДАГИ Карл Маркс номли колхознинг Одил Турсунов бошлиқ ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари кунига йиллик планга нисбатан 5—6 процентдан пахта тайёрлашга эришиб, пешқадамлар сафида боришаяпти. Бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган мазкур бригада коллективи хўжаликда ўтган куни якунланган беш кунлик ғолиби бўлишди. Улар кўчма Қизил байроқ ҳамда 50 сўм пул мукофоти билан тақдирланишди. Бундай муваффақиятнинг қўлга киритилишида кунига «зангори кема» бункеридан 9—10 тоннадан «оқ олтин» тўкаётган илғор механик-ҳайдовчи Рашид Абдуллаев, 110—120 килограммдан пахта териб олаётган бригаданинг чевар аъзолари Озода Икромова ва Дилбар Очиловаларнинг ҳиссалари катта бўляпти.

### УНУМДОРЛИК ОРТМОҚДА

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. «Партия XXII съезди» колхозида йиғим-терим ишлари намунали ташкил этилган. Шунинг учун ҳам бу хўжаликда кунига йиллик планнинг 3,5—4 проценти миқдорида пахта тайёрлашга эришилмоқда. Айниқса, хўжаликнинг Содиқ Йўлдошев ва Йўлдош Мусаевлар етакчилик қилаётган бригадаларида кундан-кунга суръат ўсмоқда. Шу кунгача йиллик планнинг 35—40 проценти миқдорида ҳосил йиғиштириб олишга эришган бу бригада коллективлари кунига 6—8 процентдан пахта тайёрлашяпти.

Хўжаликнинг илғор механик-ҳайдовчиларидан Малик Аҳмедов, Малик Исмоилов ва Розиқ Эргашевлар кунига 7—8 тоннадан пахта теришяпти. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 60 тонналик хирмон уйди. Чевар теримчилардан Бурайҳон Санақулова, Гулнора Салимова ва Гулнора Жўраевалар ҳам кунига хирмонга 140—180 килограммдан пахта тўкиб, бошқаларга ўрнак кўрсатишмоқда.

### ҲАММА САФАРБАР

● ОҚҚЎРҒОН. Утган куни район пахтазорларида терим агрегатларидан ташқари 2 минг киши этак тутиб, меҳнат қилди. Уларнинг кучи билан шу куни 80 тонналик хирмон уйилди. Теримчилар ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақада район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг 40 кишилик бригадаси аъзолари пешқадамликни қўлдан бермай келишяпти. Комбинатнинг Назифа Хўжаева, Раимжон Шолдибоев ва Фотима Умурзоқовалар каби ишчи-хизматчиларининг ҳар бири кунига 110—120 килограммдан пахта териб, хирмонга барака киритишмоқда.

Шу куни Охунбобоев номли колхозда мавжуд 28 та «зангори кема» юксак унум билан ишлатилди. Уларнинг бункеридан 200 тонна пахта тўкилди. «Пўлат от» суворийлари Усмон Юсупов шу куни 12 тонна, Йўлдош Сиддиқов эса 10 тонна пахта терди.

### АБДУҚОДИР ОТА ҒАЙРАТИ

● БЕКОБОД. «Коммунизм» колхозининг 70 ёшли Абдуқодир ота Раимжонов етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари бу йил янги ўзлаштирилган 30 гектар майдондан 27 центнердан ҳосил олишмоқчи эди. Бироқ, бригада заршунослари пахтадан мўл ҳосил етиштиришди. Шу кунгача 60 тонналик хирмон уйиб қўйган бригада коллективи планга қўшимча яна 20 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилди. Бригаданинг Равшаной Бегимқулова ва Анорхон Дадабоева каби чевар теримчилари кунига хирмонга 190—200 килограммдан пахта тўкишмоқда.

### «БЎКАЛИК» ЎРНАК БЎЛМОҚДА

● БЎКА. Район комсомол-ёшларидан ташкил этилган «Бўкалик» зарбдор отрядига 130 киши бирлашган. Йиғим-теримда астойдил меҳнат қилиб, бошқаларга ўрнак кўрсатаётган отряд аъзолари кунига хирмонга 6 тоннадан пахта тўкишмоқда. Уларнинг «Кўкорол» совхози далаларидан шу кунгача терган «оқ олтин»лари 70 тоннадан ошди. Кунига 100—120 килограммдан ҳосил йиғиштириб олиб, отряднинг 250 тонналик хирмонига ўзларининг муносиб улушларини қўшишга астойдил ҳаракат қилаётган Тамара Пак, Турсуной Олжигитова, Каромат Сарибоева ва Санобар Қўчқоровалар каби комсомол-ёшлар меҳнатда намуна бўлмоқдалар.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида ерларни мелиорациялашнинг узоқ муддатли программасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Ирригация ва мелиорацияни тубдан яхшилаш ҳамда ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш асосида мавжуд суғориладиган ерлардан янада самарали фойдаланишга оид конкрет таклифларни ишлаб чиқиш учун комиссия тузилди.

Бюро пахта териш ва тайёрлаш қандай бораётганини батафсил анализ қилди, бу ишларнинг суръатлари етарли эмас деб топди ҳамда пахта териш ва тайёрлашни кескин тезлаштириш тадбирларини муҳокама қилди. Область, шаҳар, район партия комитетлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, республика министрликлари ва идоралари, аграр-саноат бирлашмалари олдига терим ишлари суръатларини бутун чоралар билан жадаллаштириш ва сифатини ошириш, жамики техникани, моддий ва одам ресурсларини сафарбар этиш вазифаси қўйилди.

Бюро пахта тозалаш заводларининг ишини яхшилаш тадбирларини кўриб чиқди. Қабул этилган қарорда хом ашёни асраш, қайта ишлаш, ташишни тубдан яхшилаш билан, ишлаб чиқарилаётган толанинг сифатини кескин ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш кўзда тутилди.

Қишлоқ хўжалигида ёрдамчи ишлаб чиқаришларни ва касб-корларни кенг ривожлантириш асосида қишлоқ жойлардаги меҳнат ресурсларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш йўллари ва усуллари муҳокама қилинди. Область ва район партия комитетларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, тегишли хўжалик органларига мавсумлар ўртасидаги даврда меҳнат ресурсларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш юзасидан конкрет топшириқлар берилди. Бу топшириқлар, жумладан, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган, маҳаллий хом ашёдан бинокорлик материаллари ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ва цехлар барпо этишни ўз ичига олади.

1983—1985 йилларда Сурхондарё область Денов, Шўрчи, Сариосиё районларининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришни жадаллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Қабул этилган қарорда Сурхондарё область партия комитетига, министрликлар ва идораларга областнинг шимолий районларини жадал ривожлантириш, шу жумладан бир қанча ишлаб чиқариш объектлари қуриш ва реконструкция қилиш, Тўполон сув омборини муддатидан илгари қуриб битказиш топшириқлари берилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тадбирлари белгиланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Олмалиқ шаҳрини комплекс қуриш ва ободонлаштириш суръатлари ҳамда сифатини янада оширишга доир таклифлари муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Бюро Ўзбекистон ССР колхозлари, совхозлари аҳолисининг сабзавот-полиз экинлари, хашаки илдиз мевалар ва саримсоқ пиёз навли уруғликларига бўлган эҳтиёжларни тўла-тўкис қондириш тадбирларини кўриб чиқди. Тегишли министрликлар ва идораларга, «Узсортсемовощ» республика бирлашмасига шу экинлар уруғлигини ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Бюро бошқа баъзи масалаларини ҳам кўриб чиқди ва улар юзасидан қарорлар қабул қилди.





### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 27 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун—мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Бўка | 4,01 | 25,66 | 4,07 | 18,05 |
| Оққўрғон | 3,61 | 23,37 | 3,94 | 17,56 |
| Бекобод | 2,56 | 20,75 | 1,76 | 5,40 |
| Янгийўл | 2,03 | 19,71 | 1,18 | 5,49 |
| Пискент | 2,85 | 19,02 | 2,73 | 7,88 |
| Коммунистик | 1,09 | 17,89 | 1,17 | 10,57 |
| Чиноз | 2,20 | 16,91 | 1,33 | 4,97 |
| Ғалаба | 2,66 | 15,81 | 2,62 | 13,22 |
| Ўрта Чирчиқ | 1,17 | 13,98 | 1,30 | 8,15 |
| Область бўйича: | 2,67 | 19,77 | 2,49 | 11,05 |

ЯНГИЙЎЛЛИК ВЕТЕРАНЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

## ДИЛИМИЗДАГИ ГАПЛАР

ПАХТАКОРЛАРИМИЗ ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида Ватанга 6 миллион тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб бериш ниятида эрта баҳорданоқ фидокорона меҳнат қилдилар. Баҳор ва ёз ойларида юз берган табиат қийинчиликлари мардонавор енгилди. Ҳар бир картада мўл ҳосил етиштирилди. Эндиликда уни тезроқ йиғиштириб олиш керак. Ана шундай долзарб дамларда Янгийўл райони партия, меҳнат ва уруш ветеранлари областимизнинг барча ветеранлари, пенсионерлари ва уй бекаларига мурожаат қилишди. Бу даъватдаги ҳар бир сўз бизни жуда тўлқинлантириб юборди. Чунки унда дилимиздаги ниятлар тилга олинган.

Бундан икки ҳафта бурун биз — Бўка шаҳри пенсионерлари ўзаро маслаҳатлашиб, шогирдларимиз, фарзандларимизга «оқ олтин» йиғим-теримида кўмаклашишга аҳд қилган эдик. Шундан буён ҳар куни қўлимиздан келганча пахта териб хирмонга тўкяпмиз. Албатта, бу катта хирмонга тариқдай бўлиши мумкин. Лекин бизнинг шижоатимиз ёшларни янги-янги ғалабаларга чорламоқда, маънавий озиқ бўлмоқда.

Умарали Усмондиёров, Али Зокиров, Қўлдош Юсупов, Зейлур Мусаев сингари тенгдошларимиз мавсумда 1,5—2 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилдилар. Биз ҳосилнинг бир мисқоли ҳам ерда қолмагунча заршуносларимизга кўмаклашамиз. Бу бизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Партия ветерани,**
**Бўка шаҳри.**

## ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАМИЗ

ТАШАББУСНИНГ қаноти бўлади, дейишгани рост. Янгийўллик ветеранларнинг мурожаати пискентлик тенгдошларини ҳам оёққа турғазди. Бугунги кунда далаларда бўлсангиз, нуроний онахонлар, кекса отахонларнинг этак тутиб, «оқ олтин» тераётганининг гувоҳи бўласиз. Ҳа, бугунги кунда ўлкамизда ҳамма пахтакор. Тезроқ мўлжалдаги хирмонимизни уйиш учун барча бирдек меҳнат қилаяпти.

Мен онаман. Лекин уйда ўтиролмайман. Пахтакорлик касби мени далага чорлайди. Зеро, ҳозирги ҳар бир дақиқамиз кунларга тенгдир. Бундай паллада юрагида ўти, билагида кучи бор ҳар бир киши қўлидан келганча «оқ олтин» териб, хирмонга муносиб ҳисса қўшиши керак. Мен меҳнат қилаётган Қ. Алимқулов бошчилигидаги бригадада далага чиқиб ишлаётган тенгдошларим кўп.

Айни кунларда ҳар куни 100 килограммдан ошириб «оқ олтин» териб, бригада хирмонига муносиб ҳиссамни қўшяпман. Мавсум охиригача 8 тонна пахта териб бераман. Бу менинг республикамиз хирмонига қўшган ҳиссам бўлади.

**Б. ЖЎРАЕВА,**
**кўп болали она,**
**Пискент районидаги Тельман номли колхоз.**





**● Коммунист Султон Оқбоев Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг илғор механик-ҳайдовчиларидан саналади. Бу йил у «зангори кема» бункеридан 180 тонна «оқ олтин» тўкишга сўз берган. Айни кунларда моҳир механизатор ана шу юксак мажбуриятга яраша меҳнат қилаётир.**

**Суратларда: (чапдан) механик-ҳайдовчи С. Оқбоев; йиғим-терим пайти.**

**В. Портнов** фотолари.

## БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

**«Ташсельмаш» заводининг коллективи қардош пахтакор республикаларнинг пахта йиғим-терими арафасидаги буюртмаларини муддатидан илгари бажарди. Йил бошидан буён Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Қозоғистонга салкам 3.350 та терим агрегати жўнатилди. Бу машиналарнинг чорак қисмидан кўпроғи ХНП-1,8 маркали прогрессив моделлар бўлиб, кенг қатор ораларда ишлаш учун мўлжалланган. Улар тўкилган пахтани териш учун подборшчиклар ва тозалагичлар билан таъминланган.**

## ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

«Подземгаз» станцияси ишчилари Ангрен шаҳридаги пешқадам меҳнат коллективлари сафида бормоқдалар. Социалистик мусобақани пухта ташкил этиш, илғор иш усулларини қўллаш, ватанпарварлик ташаббусларини ёйиш, мавжуд асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш коллектив муваффақиятларининг омиллари бўлмоқда.

Станция ишчи-хизматчилари кўмирни ер остида газга айлантириш топшириқларини ой сайин ошириб бажармоқда. Шу йилнинг ўтган саккиз ойида давлат плани 103,7 процент қилиб бажарилди. Қўшимча минглаб куб метр газ ҳосил қилинди.

## ИНСОНИЯТНИНГ ОЛИЖАНОБ ИДЕАЛЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг Ўзбекистон пойтахтида очилган VII конференцияси қатнашчилари 27 сентябрь куни Алишер Навоий номидаги театрда тўпландилар. Чорак аср муқаддам икки улуғ қитъа адибларининг ташкилий ва ижодий жипслашишига асос солинган, барча сўз санъаткорларига қарата халқ оммасининг фикр-ўйлари ва орзу-умидларининг ҳақиқий ифодачилари бўлайлик, тараққийпарвар кучларнинг миллий ва социал озодлик йўлидаги, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик йўлидаги ялпи курашига салмоқли ҳисса қўшайлик, деган жўшқин даъвати бутун дунёга янграган мана шу бинога улар алоҳида ҳаяжон туйғуси билан келдилар.

Конференция ўз ишини Алишер Навоий номидаги театрда давом эттириб, кун тартибига киритилган масалаларни батафсил кўриб чиқишга киришди. Унинг ялпи мажлисида сўзланган дастлабки нутқларнинг ўзиёқ Осиё ва Африка адиблари 25 йил аввал шу ерда — Тошкентда асос солинган шонли анъаналарга нақадар астойдил содиқ эканликларини, уларнинг ўз талантлари билан инсониятнинг олижаноб идеалларига бундан буён ҳам хизмат қилишга камарбаста эканликлари нақадар зўрлигини кўрсатди. Кўпгина чет мамлакатлар ижодкор зиёлиларининг намояндалари ўз ишлари ва ниятларини эзгу иродали барча кишилар ғоят тушуниб қарши олаётганликларини ва булар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномасида юқори баҳоланганлигини ғоят мамнун бўлиб гапирдилар.

Мажлисда машҳур мисрлик шоир, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати, «Нилуфар» мукофотлари жюрисининг раиси Абдураҳмон Ал-Хомисий Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг миллий озодлик ҳаракатига, империализм ва реакцияни тугатиш учун курашаётган барча кучларни жипслаштириш ишига салмоқли ҳисса қўшаётганлигини айтди. Тараққийпарвар ёзувчилар, деди у, истибдодга қарши, эксплуатацияга қарши курашаётган кишилар тарафидадирлар.

Адиблар зиммасига жуда катта масъулият юклатилган, зеро, ҳозир инсониятнинг ҳалокатга учраши хавфи ҳар қачонгидан ҳам реалдир. Шу боисдан ҳам улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан СССР Ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсий йўли ер юзидаги барча соғлом фикрли кишилар қалбида қизғин акс садо бермоқда. Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ялпи куч-ғайратлар билан тинчликни ҳимоя қилиб қолиш мумкин, деган сўзлари бизнинг муддаоларимизга бус-бутун мос бўлиб тушади, деб таъкидлади нотиқ.

Африка—Осиё ёзувчилар ҳаракатининг ветерани, ҳинд адиби Бхишам Саҳни бундай деди: бу галги анжуман икки қитъадаги миллион-миллион кишиларнинг бахтли келажакка порлоқ ишончини ифодалайди.

Эфиопия ёзувчилар союзининг бош секретари Ассефа Гебре Мариам Африка қитъаси ёзувчилари номидан дўст ва тинчликсевар совет халқига, КПСС ва Совет Ҳукуматига қизғин табриклар, энг яхши тилаклар изҳор этди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва СССР давлат мукофотининг лауреати қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ёзувчининг жамият олдидаги масъулияти ҳақида, унинг озодлик учун, янги уруш хавфига қарши халқлар олиб бораётган одилона курашдаги ўрни тўғрисида гапирди. Ядровий ёки оддий урушнинг ўзигина эмас, ҳатто ҳарбий тайёргарликлар, қуролланиш пойгаси ҳам аввало ривожланаётган мамлакатларнинг тинка мадорини қуритади, уларнинг муаммоларини баттар мушкуллаштиради, деб уқтирди у.

Ҳозирги замон ёзувчиси халқ бахт-саодати ва озодлиги учун жон берган кишилар қонининг ёқут томчиларини мадҳ этади, замонамизнинг чин қаҳрамонларини шарафлайди, зулмдан халос бўлиб, порлоқ истиқбол учун кураш йўлига ўтган миллион-миллион кишиларга жарангдор шеър билан ва оташин проза тили билан мурожаат этади, деди афғон шоири, Афғонистон Демократик Республикаси ёзувчилар союзининг раиси, АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ғулом Дастагир Панжшири. Реакцион империалист доиралар революцион Афғонистонга қарши разилона уруш бошладилар, деб уқтирди у. Мамлакатимизнинг сўз санъаткорлари, жамики ижодкор зиёлилари янги турмуш қуриш йўлидан комил ишонч билан олға бораётган ва Совет Иттифоқининг беминнат мададига таянаётган халқнинг одилона ишини бажонидил ҳимоя қилаётган кишилар сафида турибдилар.

Тарих жараёнини тўхтатиб қўйишга ва халқларнинг онгини заҳарлашга уринаётган жаҳон реакциясининг, агрессив милитарист кучларнинг кирдикорларига қарама-қарши ўлароқ Осиё ва Африка ёзувчиларининг ҳозирги ва келажак авлодлар ҳаёти учун тинчликка, озодликка, инсоний обидаларни сақлаб қолишга даъват этаётган овози бутун дунёда янграб турибди. Тошкент руҳи яшамоқда ва тантана қилмоқда, деб таъкидлади мажлисда Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов.

Тараққийпарвар жаҳон адабиётининг сўнгги ютуқлари билан ўзаро танишишда таржима иши жуда катта роль ўйнаши лозим, деди халқаро таржимонлар федерациясининг президенти А. Лилова (БХР) конференция делегатларини табриклаб. Шу муносабат билан у Африка — Осиё адабий ҳаракати, унинг босма органи — «Нилуфар» журнали доирасидаги ёзувчиларнинг фаолиятига юқори баҳо берди.

Конференцияда сўзга чиққан Малагасия революцион ёзувчилари ва маданият арбоблари союзи (ФИМАМИРЕ)нинг раиси шоира Кларисс Рацифандриаманана, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги Совет комитетининг раиси М. Иброҳимов, Фаластин ёзувчилари ва журналистлари умумий союзининг бош секретари Яхё Яхлюф, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари А. Софронов ва бошқалар йигирма беш йил мобайнида икки қитъа илғор ёзувчиларининг ҳаракати салмоқ ва куч касб этганлиги, ўз обрў-эътиборини мустаҳкамлаганлиги ҳақида гапирдилар. Осиё ва Африка адибларининг ижодиёти социал ўткирлиги билан, чинакам сиёсий актуаллиги билан ажралиб турибди, уларнинг асарлари ижтимоий турмушдаги, юз миллионлаб оддий кишиларнинг ақли ва қалбидаги силжишларни акс эттиради. Бу галги анжуман эса унинг барча қатнашчилари меҳнатига илҳом бериши шубҳасиз, деб таъкидлашди нотиқлар.

Атоқли сўз санъаткори Михаил Шолоховдан Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг VII конференцияси қатнашчиларига олинган табрикнома ўқиб эшиттирилди.

Икки қитъа адибларининг анжумани давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

ҲОСИЛ-83



# ТЕРИМ ГРАФИГИГА ТЎЛА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

*Янгийўл райони хўжаликларида пахта йиғим-терими қандай ташкил этилмоқда*

КОЛХОЗ раиси Мадаминжон Марахимов эрталаб идорага бормай, тўғри 6-бригада даласига йўл олди. Бригадир Саидаҳмад Охуновни топиб, мақсадни тушунтирди:

— Район партия комитети тасдиқлаган график бўйича бугун 80 тонна, яъни аввалги кунлардагига нисбатан икки баравар кўп пахта топширишимиз керак. Бу — қонун. Бажаришимиз шарт. Аммо терим суръатини бир йўла икки ҳисса ошириш осонгина кўчадиган иш эмас. Шунинг учун асосий умидимиз сизлардан. Шермамат Турдиматов билан Йўлчибой Сиддиқовлар бугун машиналарини тўхтатмай, иложи борича кўпроқ пахта теришга ҳаракат қилишлари керак бўлади.

— Мана, машиналар эгат бошида турипти. Шудринг кўтарилиши билан теримни бошлашади.

— Отни жадалроқ қамчиланг. Ўтган беш кунликда сизлар бу ёқда қолиб улоқни Холмирза Ҳолиқназаров бошлиқ бригада илиб кетди. Ахир ташаббускор деган номингиз бор. Бригадангиз ишини фақат район эмас, бутун область кузатиб турипти. Ғолиблик байроғи кўпроқ сизнинг дала шийпонингизда ҳилпираши керак.

— Ташаббускорлик масъулиятини бригадамизнинг ҳар бир аъзоси чуқур ҳис қилиб турибди. Бугундан бошлаб кунлик ўсиш 5 процентдан кам бўлмайди. Шу беш кунликда байроқни, албатта, қайтариб оламиз.

С. Охуновнинг ваъдаси қатъий эканлигига ишонч ҳосил қилган раис 2-, 3-, 4- ва 5-бригадаларга ҳам ўтди. Колхозчиларнинг ҳаммаси далада. Қўл терими қизғин. Айниқса, белига этак тутиб эгат оралаётган, хирмон жойида пахта қуритаётганларга ҳамда дала шийпонларида овқат пишириш ва чой қайнатишда ошпазларга кўмаклашиб юрган нуроний кексаларни кўриб янада қувонди.

Бирин-кетин ишга тушаётган «зангори кема»ларнинг қуввати, колхозчиларнинг ғайрат-шижоатлари ва партия, уруш ҳамда меҳнат ветеранларининг далдалари билан хўжаликда терим суръати кун сайин жадаллашиб боряпти. Ҳар куни йиллик планнинг 5 процентига етказиб пахта тайёрлаётган Саидаҳмад Охунов, 3 процентдан ошириб «оқ олтин» топшираётган Холмирза Ҳолиқназаров ва Файзулла Соатовлар бошлиқ бригадалар коллективлари хўжалик хирмонига барака киритишяпти. Бу бригадалар социалистик мусобақанинг беш кунлик якунларида мунтазам мукофотли ўринларни эгалламоқдалар. Тантанали суръатда топширилаётган кўчма Қизил байроқ ҳамда 150 сўм пул мукофотлари ғолибларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшаётир.

«Ватан» номли 50-ўрта мактаб ҳамда Жданов номидаги 51-ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳам дарсдан сўнг колхозчиларга актив ёрдам бермоқдалар. Ҳар икки мактаб талабалари кейинги беш кунликда ўртача 40 килограммдан пахта териб, колхоз томонидан белгиланган нормани ошириб бажардилар ва 50 сўмдан пул мукофоти билан тақдирландилар.

Ҳозирги кунда «Партия XXI съезди» колхози пахта йиғим-терими суръати бўйича районда иккинчи ўринда бормоқда. Кейинги беш кунлик якунига кўра эса хўжаликлар ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби бўлиб, район партия комитети, район ижроия комитети, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитети ва район комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи билан бирга битта енгил автомашина ва 500 сўм пул мукофотини қўлга киритди.

Мавсум бошидаёқ ташаббусни қўлга олган Ленин номли колхоз пахтакорлари район хўжаликлари орасида ташкил этилган мусобақада ҳамон пешқадамлик қилаётирлар. Колхоз правлениеси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари пахта йиғим-теримини пухта ташкил этиш ва мавсумни уюшқоқлик билан қисқа муддатларда якунлаш борасида ҳар йили бошқа хўжаликларга ўрнак бўлиб келаётир.

Аввало шуни айтиш кераккки, бу хўжаликда етиштирилган жами ҳосил четдан ёрдамчилар жалб этилмай, колхозчиларнинг кучи билан йиғиштириб олиниб, пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятлар районда биринчи бўлиб бажарилади.

— Биз ҳар йилги анъанага содиқ қолиб оғир шароитларда етиштирилган жами ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, ўз кучимиз билан йиғиштириб олиш учун зарур бўлган барча чораларни кўраяпмиз,— дейди колхоз правлениеси раиси Нишонали Авазов.— Ҳозир канопнинг сўнгги ҳосилини йиғиштириб олиш билан банд бўлганлардан ташқари барча колхозчилар қўл теримига оммавий сафарбар этилган. Барглари тўла ва текис тўкилиб, 60—70 процент ҳосил пишиб етилган карталарда машина теримини ҳам бошлаяпмиз. Бугун-эрта 30 та терим агрегати тўла қувват билан ишга тушиб, кунлик суръатда 4—5 процентга чиқиб оламиз. Нуъмон Зоирхўжаев, Мелибой Нишоналиевлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда терим қизғин паллага кирди.

Ҳақиқатан ҳам бу хўжаликда йиғим-теримни уюштиришга оид тадбирлар конкрет шароитдан келиб чиққан ҳолда пухта тузилган. Айни кунларда пахта йиғим-теримида 1120 колхозчи фаол иштирок этмоқда. Улар учун махсус транспортлар ажратилган. Теримчилар эрталаб далаларга ана шу транспортларда олиб чиқилади.

Бригада бошлиқлари ва ҳисобчилари ҳар куни кечқурун идорага тўпланадилар. Правление аъзолари ва мутахассислар иштирокида кунлик терим натижалари чуқур таҳлил қилинади. Теримни тезлаштиришга ҳалал бераётган нуқсонларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари белгиланади. Ҳосил чўғига қараб келаси куни қайси бригадада қанча терим машинаси ишлаши лозимлиги ,қанча тележка керак бўлиши аниқлаб олинади. Ҳар қайси бригадада ва шу асосда колхоз бўйича ўша куни қанча пахта тайёрлаш имкони мавжудлиги ҳисоблаб чиқилиб, вазифалар белгиланади. Унинг ижроси эса колхоз раҳбарлари ва мутахассисларидан тузилган махсус штаб аъзоларининг назоратлари остида бўлади.

Умуман, район партия комитети шу кеча-кундузда бутун диққат-эътиборни ҳамма хўжаликларда терим суръатини жадаллаштиришга, машина ва механизмларни, ишчи кучларини тўла сафарбар этишга, пахта йиғим-теримини идеологик жиҳатдан таъминлашга, колхозчилар ва ҳашарчиларнинг юксак унум билан ишлашлари ҳамда маданий дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб беришга қаратмоқда. Район маиший хизмат комбинати, медицина, савдо ва маданият ходимлари иш фронтини бевосита дала шийпонларига кўчирганлар. Айниқса, район маданият уйи коллективининг хизмати таҳсинга лойиқдир. Санъаткорлар навбати билан хўжаликларга чиқишиб, дала шийпонларида ранг-баранг концерт номерларини намойиш этмоқдалар.

Йиғим-теримнинг боришини назорат қилувчи махсус штаблар актив фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, машина теримини уюштириш бўйича тузилган штабга район партия комитетининг иккинчи секретари Э. П. Карпенко раҳбарлик қилаётир. Район партия комитетининг секретари Р. Т. Тожибоев эса ишчи кучларини йиғим-теримга сафарбар этишни таъминлашга даъват этилган штабни бошқармоқда.

Штабларнинг аъзолари навбатдаги беш кунликда ҳар бир хўжаликда ишчи кучлари ва машиналарни теримга жалб этиш ва шу беш кунликда йиллик планнинг неча проценти миқдорида пахта тайёрлаш лозимлиги аниқ кўрсатилган графиклар ишлаб чиқиб, хўжаликларга ва ҳар бир бригадага ўз вақтида етказиб бераётир. Бу эса кунлик теримни ҳамма ерда имконият даражасида олиб боришни таъминламоқда.

Бироқ район хўжаликларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги кундалик маълумотларга синчковлик билан назар ташланса, эътибордан четда қолаётган резерв ва имкониятлар ҳам мавжуд эканлиги кўзга ташланади. Масалан, колхозчиларни, район корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ходимларини пахта йиғим-теримига оммавий сафарбар этишнинг аҳволи шу куннинг талаб даражасида деб бўлмайди. Ҳозир бевосита 8 мингга яқин колхозчи пахта теримида иштирок этиши лозим бўлса, амалда 3 минг кишидан ошмаяпти. Айниқса, «Ленинизм» ва «СССР 60 йиллиги» колхозларида ҳар тўрт колхозчидан фақат бир кишининг теримда қатнашаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Калинин номли ва Н. Ниёзов номли колхозларда ҳам аҳвол шундай. Бу икки хўжаликда терим суръати ҳам паст. Ҳар бир колхозчининг кунлик терган пахтаси 40 килограмм атрофида бўлаяпти, холос.

Тўғри, районда каноп ўрим-йиғими ҳали тугагани йўқ, шоли ҳосилини йиғиштириб олиш давом этяпти. Колхозчиларнинг бир қисми ана шу ишлар билан банд. Навбатдаги вазифа каноп ва шоли ҳосилини тезроқ ўриб-йиғиб олиб, мавжуд ишчи кучларининг ҳаммасини пахта йиғим-теримига жалб этишдан иборатдир.

Яқинда район партия, меҳнат ва уруш ветеранларининг Тошкент области барча ветеранлари, пенсионерлари, уй бекаларига мурожаати эълон қилинди. Бу мурожаатга ўнлаб, юзлаб кексалар ва уй бекалари лаббай, деб жавоб бермоқдалар. Нуроний отахон ва онахонларнинг даъваткор сўзлари ҳар бир колхозчи ва механизаторни бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумлироқ ишлашга, «оқ олтин» хирмони салмоғини тобора ошириб боришга ундамоқда.

Янгийўллик барча меҳнат ва уруш ветеранлари айни кунларда пахтазорларда ташаббускорларга хос ибрат кўрсатишяпти. Улар ўзларининг куч-қувватларига яраша юмуш билан банд бўлиб, пахтакорларга кўмаклашмоқдалар. Механик-ҳайдовчилар, қўл терими иштирокчилари, шаҳарлик ҳашарчилар, ўқувчи ёшлар ветеранлардан ўрнак олиб, ҳозирги илиқ-иссиқ кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишлари, йиғим-теримни кун сайин жадаллаштиришлари лозим.

**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**







**Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозда чевар теримчилар кўплаб топилади. Муҳаббат Қорабоева, Зуҳра Қулимбетова ва комсомол аъзоси Зулфия Бўтаевалар ана шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири кунига хирмонга 120—130 килограммдан дур териб тўкишмоқда. Суратларда: (чапдан) М. Қорабоева, З. Қулимбетова ва З. Бўтаевалар пахтазорда.**

**В. Портнов** фотолари.

*Фан муаммолари*

# АВТОМАТЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

КПСС XXVI съезди халқ хўжалигининг барча тармоқларида тараққиётнинг жадал йўлига ўтиш программасини тузиб берди. Хусусан ана шу тенденция экономикамиз равнақининг ҳозирги босқичида илм-фан учун ҳам муҳимлиги таъкидланди. Съезднинг тарихий қарорларини изчил амалга оширишни асосий мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII Пленуми республикамизда фан-техника қудратини янада ошириш, тадқиқотлар самарасини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш борасидаги вазифаларни конкретлаштирди. Пленумда қайд қилинганидек, Ўзбекистон бугунги кунда илм-фан беқиёс равнақ топган республика ҳисобланади. У икки юзга яқин илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларига, 36 мингдан ортиқ илмий-педагогик ходимлар, шу жумладан мингга яқин фан докторлари ва ўттиз мингдан зиёд фан кандидатларига эга. Республикамизда табиат фанларининг турли йўналишлари бўйича шаклланган мактабларнинг шуҳрати биргина Иттифоқимизда эмас, мамлакатимиздан ташқарида ҳам маълум.

Олимларимизнинг математик-статистика, физик электроника, ядро физикаси, механика, сейсмология соҳаларидаги тадқиқотлари актуаллиги жиҳатдан ҳам, халқ хўжалигига етказаётган фойдаси жиҳатдан ҳам катта эътиборга сазовордир.

Биорганик химия, алколоидлар ва полимерлар химияси, ярим ўтказувчан материаллардаги физикавий жараёнлар бўйича олиб борилаётган илмий изланишларнинг баракали самарасидан ҳар қанча қувонсак арзийди.

Худди шунингдек, кейинги йиллар мобайнида техника кибернетикаси ва ахборот назарияси, республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда салмоқли ютуқларга эришилди. Агар Ўзбекистон илмий ташкилотлари ҳар йили ишлаб чиқаришга 500 тагача турли таклифларни жорий этаётган ва бундан 600 миллион сўмдан кўпроқ самара олинаётганлигини қайд қиладиган бўлсак, республикамизда фан нақадар дадил одим ташлаётганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Аммо давр илм-фан тараққиётини бундан ҳам жадаллаштиришни талаб қилмоқда. Бу аввало илмий тадқиқотларни автоматлаштиришда ўз ифодасини топади. Бунда олимларнинг асосий эътибори энг такомиллашган ўлчов приборларидан тортиб, «маълумотлар банки»ни ва ана шу маълумотлардан коллектив бўлиб фойдаланиш системасини яратишгача бўлган тадқиқотларни ҳал этишга қаратилиши лозим.

Республикамиз Фанлар академиясида ана шу проблемалар у ёки бу даражада умумиттифоқ конкурс программаси миқёсида ҳал этилмоқда. Шу жумладан бизнинг институтимиз ҳам бу хайрли ишга маълум даражада қўл урган. Умуман академиямиз системасида ана шундай актуал муаммоларни ҳал этувчи бош ва йўналтирувчи ташкилот — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобланади.

Хўш, тадқиқотларни автоматлаштиришнинг зарурияти нимада?

Маълумки, илмий-тадқиқотлар билишнинг қудратли формаси сифатида ўзларида назария ва тажрибадан иборат икки фалсафий категорияни ифодалаган бўлиб, ҳар иккала тушунчада ҳам инсониятнинг ижтимоий тажрибаси ва ижтимоий тарихий практикаси мужассамлашади. Тадқиқотчи объектни ўрганиш жараёнида ана шу умумий маълумотларни батафсил таҳлил этмай туриб тадқиқот юргиза олмайди. Яъни у маълум бир проблема бўйича ўзидан аввалги илм манбаларини чуқур ўрганиб чиқиши керак. Аммо ҳеч кимга сир эмаски, инсоният тараққиёти муносабати билан илм соҳалари ҳам, улар тўғрисидаги ахборотлар оқими ҳам кескин кўпайиб кетди. Илмий ходим ана шу ахборотлар орасидан ўзи учун заруриини топишда анча қийинчиликларга дуч келмоқда. Ана шунинг учун ҳам илмларни, ахборот-қидирув, маълумотлар мажмуасини ҳосил қилиш, уларни бир жойга тўплаш, керак бўлганда хоҳлаган ахборотдан бемалол фойдалана олиш учун тадқиқотларни автоматлаштириш зарур бўлиб қолди. Бундай системалар ҳозир мавжуд. Хусусан бизнинг институтимизда АИПС-Электроника деб ном олган система яратилган бўлиб, у электрон ҳисоблаш машинаси ЕС-1022 базасида суст позитронлар физикаси бўйича жуда кўп ҳужжатларни йиғиб олган ва зарур пайтда илмий ходимга истаганча маълумот бера олади. Бу система шу соҳадаги тадқиқотларни енгиллаштирди.

Системага қатор илмий ташкилотлар ҳатто, СССР Фанлар академиясининг ҳам эҳтиёжи ортиб бормоқда.

Илмий-тадқиқотларни автомат тарзида бошқариш системасини мавжуд тажрибаларни (экспериментларни) автоматлаштиришда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир. Физик, химик, биолог, механик олимлар хуллас табиёт илми билан шуғулланувчи барча тадқиқотчилар прибор шкаласидан ёки осциллограф экрани, ё бўлмаса ўзи ёзиб оладиган аппаратнинг лентасидан точкали кўрсатмаларни олиб, сўнгра уларни формулага солиб қайта-қайта ҳисоблагунларича қанчадан-қанча вақт кетади.

Бу машаққатли меҳнат янги тажрибалар ўтказиш муддатини чўзиб юборишдан ташқари, бошқа мушкулликларга ҳам олиб келади. Масалан, тадқиқотчи то иши юзасидан битта характеристикани аниқлаб, уни тайёрлагунча тажриба шароити ўзгариб қолиши мумкин. Кейинчалик ана шу шароитларда айнан шунақа характеристикага эга бўлиш эса эҳтимолдан йироқ бўлиб қолади. Агар илмий ходимнинг ҳар бири ўнлаб, ҳатто юзлаб эксперимент нуқталаридан иборат қатор-қатор характеристикалар олишлари ва тайёрлашларини эътироф этадиган бўлсак, бу қанчалик машаққат эканлигини яққол сезиш мумкин.

Ҳисоблаш техникасидан фойдаланган ҳолда экспериментларни автоматлаштириш эса бундай қийинчиликлардан халос этади.

Юқоридаги проблемаларни ҳал этиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Аммо халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғидаги каби илм-фаннинг бу соҳасида ҳам ҳал қилувчи куч кадрлар ҳисобланади. Ҳозирги пайтда институтларда илмий тадқиқотларни автоматлаштириш билан асосан шу соҳа мутахассислари, ҳисоблаш техникаси кадрлари шуғулланишмоқда. Аммо тадқиқот олиб бораётган ходимларнинг автомат системаси билан ишлаш даражаси анча паст. Айни пайтда «автоматлаштирувчилар» қисқа муддат ичида тадқиқотлар моҳиятини тўла тушуниб етишмайди. Автоматлаштирувчи билан тадқиқотчи ўртасида проблемани ҳал этишдаги узвийликка, тезкорликка путур етмоқда. Қолаверса, автоматлаштиришнинг энг мукаммал системасини яратишда ҳам қийинчиликлар содир бўлмоқда.

Лекин бу муаммони бемалол ҳал этиш йўли бор. Бунинг учун олий ўқув юртларида бўлажак мутахассисларга ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланган ҳолда тадқиқотлар олиб боришнинг ҳозирги методлари, уларни автоматлаштириш тўғрисида чуқур билим берилиши керак. Менинг бу таклифим янгилик эмас. Ҳозирги пайтда Москва инженер — физика институтида «Илмий тадқиқотларни автоматлаштириш» курси очилган. Тошкент политехника институтининг «Физик-электроника» кафедрасида шу ўқув йилидан бошлаб ана шундай курс йўлга қўйилди. Лекин ҳаёт табиий фанлар билан боғлиқ барча институтларнинг ўқув планига тадқиқотларни автоматлаштириш курсларини дадил жорий этиш кераклигини тақозо қилмоқда. Зероки, илмий изланишларни автоматлаштириш фан кашфиётчилари учун ҳам, халқ хўжалиги учун ҳам ўта фойдалидир. У вақтдан ютиш, юксак самара ҳамда партия ва ҳукуматимиз талабига ҳозиржавоблик демакдир.

**Т. ЗОКИРОВ,**
**техника фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси У. Орипов номли электроника институти директорининг ўринбосари.**



**● Тошкентдаги офсет босма фабрикасида ишлаб чиқариш илғорлари сони тобора кўпайиб бормоқда. Ушбу суратда сиз кўриб турган муқовалаш цехи ишчиларидан Маъмура Ҳайитбоева (юқорида) ва Муқаддас Рафиқовалар нормани 120 процент ва ундан ҳам ошириб адо этишяпти.**

А. Тўраев фотолари.



*Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

# ҲАР БИР ТАКЛИФ АМАЛГА ОШСИН

Шолига ўроқ тушди. Кунни кеча анъанавий қизил карвон билан ўрим-йиғим мавсумини бошлаб берган «Октябрь 46 йиллиги» совхози далаларида меҳнат беллашуви авж олиб кетди. Ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида ҳосилдорликни 67 центнерга етказиб, 20 минг тонналик «қирмизи дон» хирмони уйишга аҳд қилган хўжалик меҳнаткашлари ҳаётида қизғин дамлар бошланди.

Сирдарё соҳилларига туташ 3 минг гектар майдонда мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпланди. Бугунги энг долзарб вазифа етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишдан иборатдир. Хўжалик коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам шулар алоҳида тилга олинди.

— Ўрим-йиғим мавсумида одатдагидек коммунистларимиз намуна кўрсатмоқдалар, — деди йиғилишда ҳисобот доклади қилган совхоз партия ташкилотининг секретари Фурқат Холиқулов.— Уларнинг ташаббускорлиги ва ғайрат-шижоати туфайли ўз вақтида мавсумга тахт қилиб қўйилган 84 та комбайн, 30 та юк ташиш машинаси, 50 га яқин бошқа қишлоқ хўжалик техникалари далаларимизда юқори унум билан ишлаяпти. Ўтган йили Эдуард Ким, Йўлдош Шодиев, Учқун Мелибоев, Аҳмад Олтмишев, Лев Ким сингари коммунист механизаторларимиз ишни ипатоволиклар усулида ташкил этиб, ўрим-йиғимни 19 иш кунида тугаллаган эдилар. Ҳозир далаларимизда 4 та терим-транспорт отряди узлуксиз ишлаб турипти. Отрядлардаги звеноларда мувaққат партия группалари тузилган бўлиб, уларга тажрибали коммунистларимиз раҳбарлик қилишмоқда.

Ҳисобот даврида иш сифати ва самарадорлигини ошириш, илғорлар тажрибасини кенг ёйиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар қўнимсизлигини камайтириш вазифалари доимо совхоз партия ташкилотининг диққат марказида бўлди. Коммунистлар авангардлигини ошириш, улар иштирокида социалистик мусобақанинг ошкоралигини таъминлаш, ишчиларни коммунистик руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор берилди.

Совхозда асосий тармоқ — шоличилик йил сайин ривожланиб бормоқда. Агар 1981 йилда давлатга 12 минг 304 тонна дон сотилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 70 тоннага ошди. Ҳосилдорлик гектар бошига 60 центнерга, Қ. Эсонтурдиева, А. Саидов, М. Ҳасанов, С. Ли, Я. Юн, Н. Хван каби коммунистлар бошлиқ бригадаларда 82—84 центнерга тўғри келди. Уста шоликор Андрей Ли бошлиқ бригада коллективи эса ҳосилдорликни 95 центнерга етказиб рекорд қўйди. Бу йил мавжуд 34 та бригададан 4 таси 90 центнерлик, 15 таси 70 центнерлик марраларни эгаллаш учун кураш олиб бормоқда.

Озиқ-овқат программасини бажаришда хўжалик чорвадорлари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Наслчилик ишларини яхшилаш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш эвазига ҳисобот даврида сут ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш уч бараварга кўпайди, қорамоллар 150 тадан 450 бошга етказилди. Шу йилнинг саккиз ойи ичида 78 тонна гўшт, 133 тонна сут ва 188 минг дона тухум ишлаб чиқарилди.

Бироқ ҳисобот даврида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Партия ўқуви машғулотларида коммунистлар активлиги сезилмаяпти. Ҳамон меҳнат интизомини бузиш ҳоллари рўй бериб турибди. Хотин-қизлар Совети суст фаолият кўрсатмоқда. Касаба союз комитети меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқмаяпти, мажлислар қуруқ расмиятчилик учун ўтказилмоқда. «Билим» жамиятининг 33 нафар аъзоси меҳнаткашлар даврасида кам бўлади. Физкультура ва спортни оммавийлаштириш, бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришда ҳам жиддий нуқсонлар кўзга ташланади.

Шулар ҳақида музокараларда сўзга чиққан коммунистлар жон куйдириб гапирдилар.

— Йил бўйи ҳалол меҳнат қилиб етиштирилган мўл ҳосил тақдирини ўрим-йиғим даврида асосан механизаторларимиз ҳал қилишади,—деди бўлим бошқарувчиси В. Пак.— Афсуски, хўжалигимизда техника қарови талаб даражасида эмас. Ўтган йилги мавсумдан сўнг айрим техника воситалари далада қолиб кетди. Марказий ремонт устахонасига келтирилганлари ҳам ўз вақтида тартибга солинмади. Сифатсиз ремонт қилинганлиги туфайли дон янчиш механизмлари тўла унум билан ишлатилмади. Бу йил ҳам ана шундай ҳол такрорланмаслиги учун коммунистлар талабчанлик ва ҳушёрликни оширишлари лозим.

Илғор бригада бошлиғи Мақсад Яхшибоева социалистик мусобақа асосида иш юритиш қандай самаралар бераётгани ҳақида гапириб берди. У ишлаб чиқаришда хотин-қизлар активлигини ошириш лозимлигини уқтирди. Хўжаликда 260 нафар хотин-қиз бор. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам хўжалик ва жамоат ишларида актив қатнашяпти деб бўлмайди. Хотин-қизлар Совети ўз фаолиятини тубдан яхшилаб, турли мавзуларда суҳбатлар ва маданий тадбирлар ўтказишни йўлга қўйиши керак.

3-бўлим цех партия ташкилотининг секретари К. Когай, бош инженер А. Дью, қурилиш бригадаси бошлиғи Ю. Ким ўртоқлар ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, партия сафларини кенгайтириш, коммунистлар авангардлигини ошириш лозимлигини таъкидладилар. Совхоз бош зоотехниги А. Розиқов чорвачилик истиқболлари ҳақида фикр юритди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашувчи кўпгина фойдали таклифлар ўртага ташланди. Совхоз шоликорлари янада мўл ҳосил етиштириш имкониятига эгадирлар. Бунинг учун энг аввало деҳқончилик маданиятини ошириш зарур. Сўнгги йилларда совхозда шудгорлаш сифатига эътибор берилмаяпти. Экиш даврида чеклар оралиғида жойлар қолиб кетяпти, шолипоялларни курмак босиб, турли касалликлар кўпайиб бормоқда. Бундан коммунистлар тўғри хулоса чиқариб олишлари, алмашлаб экишни жорий этишлари, оралиқ экинлар ўстиришни кўпайтиришлари керак.

Чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашда шоли похолидан фойдаланишга оид тадбирларни ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмайди. Бу ишларга катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган меҳнат ветеранлари билан бир қаторда хўжалик истиқболини белгилаб берувчи ёшларни ҳам кенг жалб қилиш совхоз партия ташкилотининг муҳим вазифасидир.

Танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида совхоз партия бюросининг янги состави сайланди.

**К. МАВЛОНОВ,**
**А. ҲАЙДАРОВ,**
**Бекобод райони.**

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

# ИЖРОКОМ ТАЯНЧЛАРИ

Шаҳар Советининг маиший хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссиясига хат тушди. Унда аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш имкониятлари мавжудлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Хат асосида доимий комиссия шаҳардаги барча кийим тикиш устахоналари, сартарошхона, фотосалонлар, соатсозлик устахоналарининг фаолиятини кўриб чиқди. Шундан сўнг доимий комиссия «Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги масалани ижроия комитет муҳокамасига ҳавола қилди. У барча маиший хизмат муассасалари раҳбарлари иштирокида чуқур таҳлил қилинди.

Қабул қилинган қарор амалга оширилиши туфайли кўпгина ишлар бажарилди. Жумладан, Красногорск посёлкасида хизмат кўрсатишнинг бир неча тури йўлга қўйилди.

Янгиобод шаҳар Совети доимий комиссиялари фаолиятидан бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Шаҳар экономикаси ва маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳамма масалалар доимий комиссия аъзоларининг диққат эътиборида. Яқинда савдо ва умумий овқатланиш бўйича доимий комиссия аъзолари ҳам магазинлар ва мактаб ошхоналари ишини ўрганиб чиқишди. Санитария-эпидемиология станцияси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган рейд натижалари аввал комиссия кенгашида, сўнгра эса шаҳар ижроия комитетида муҳокама қилинди. Кенгаш доимий комиссиянинг аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан тайёрлаган тавсияларини маъқуллади.

Соғлиқни сақлаш, социал таъминот ва спорт бўйича доимий комиссия аъзолари ҳам аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, физкультура ва спортни оммалаштиришда шаҳар Совети ижроия комитетига яқиндан кўмаклашяптилар. 1983 йилнинг учинчи квартали мобайнида бу комиссия аъзолари шаҳардаги корхоналар асосий цехларининг ҳаммасида соғлиқни сақлаш ишлари қай даражада йўлга қўйилганлигини, Улуғ Ватан уруши инвалидларига яратилаётган имтиёз ҳамда қулайликларни ўрганиб чиқдилар.

Шаҳар Советининг доимий комиссиялари, депутатлик группалари сайловчилардан тушган наказларнинг бажарилишини ҳам алоҳида назорат қилмоқдалар. Улар шаҳар Советининг ҳақиқий таянчига айланиб қолдилар.

**А. БОБОБЕКОВ.**

# ҚИТЪАЛАР ОВОЗИ БАРАЛЛА ЯНГРАЙВЕРСИН

ТОШКЕНТ 1983 ОСИЁ ВА АФРИКА ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VII КОНФЕРЕНЦИЯСИ XXV

ВАЛЛАТҲОЛ,
(Ҳиндистон)

## ВАТАНГА

Нега бошинг эгилган,
Нега хомушсан, Ватан?
Ё аччиқ йиғлайсанми,
Онажоним, Ҳиндистон?
Асрлар давомида
Чекканинг мислсиз ғам.
Қайноқ кўз ёш тўкишга
Қодирсан сен ҳали ҳам...
Ёки сенинг тақдиринг
Қаттиқмикан тош каби.
Ўзганинг ғамин кўрсанг,
Ивишиб кетар қалбинг.
Меҳнатда қадоқ бўлган
Дағал қўлимиз билан,
Сенинг соф кўз ёшингни
Артамиз бир кун инон.
Топган-тутганимизни
Сенга қилсак поёндоз,
Кўп ўрнига кўргайсан,
Ҳадямиз бўлса ҳам оз.
Сен уларни йўллагин
Турмуши ночорларга.
Майли, бу ёрдам бўлсин
Ҳимояга зорларга.
Биз ҳақда ғам чекмагин,
Билгинки, фарзандингга
Овқатсиз қолмоқ шараф,
Шерик бўлса дардингга.
Шарафли ўташ даркор
Тақдирга ёзганини,
Ҳатто сув тополмасдан
Қийнаса ҳам жонини.
Барибир тўплаб бўлмас
Денгизларнинг сувини.
Кафтга олиб бир киши
Ича олмайди уни.
Бардошли ва қудратли,
Садоқатли ўғлонинг,
Туғилган кунингданоқ
Сен бу бахтга чулғандинг.
Агар сен берган қўллар
Очликдан бўшашганда,
Керак бўлганда тоғни
Суролмас бирлашганда.
Оқ мармарли саройлар
Ёки мудраган ўрмон.
Қаттиқ тошми ё тахта,
Бизга бирдай ҳар қачон.
Одамлар бахти учун
Бўлмоққа ҳатто қурбон,
Сен таълим берганингдек,
Фарзандинг тайёр ҳар он.
Қайси бир мамлакатда
Топилар бундай одам?
Қўшни омон сақлаш-чун
Йўқ жондан кечган ҳеч
ким!
Бешикдан ўргатганинг, —
Таълимингдир ягона.
Унутмаймиз биз мангу,
Ўгитларингни, она!
Садоқатли фарзандинг
Ҳар бир кулфатга тайёр,
Фақат у ҳинд қалбини
Сақлаб қолмоғи даркор.
Ҳар бир ўғлонинг учун
Ҳақиқат керак фақат.
Дунё гулдай яшнасин,
Тинч бўлсин, дейди ҳаёт.
Лозим бўлса занг босган
Қиличингни, онажон
Чақмоқдай ўйнатамиз
Душманингга ҳар қачон.
Майли, бу нурли чақмоқ
Ғанимларинг кул қилсин.
Очкўзликнинг дардида
Маккор шармисор бўлсин!
Олам чароғон бўлиб,
Кўкдан тарқалар туман,
Сенинг олтин байроғинг
Ҳилпирайди шу замон.
Осмонни нурга буркар,
Қуёш яшнар улуғвор.
Сенинг бу ғалабангда
Меҳнату ҳиссамиз бор.

Қамбар ЎТАЕВ
таржимаси.



Осиё ва Африка ёзувчиларининг юбилей конференциясида СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва Халқаро «Нилуфар» мукофотининг лауреати Георгий Марков раҳбарлигидаги совет делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

Суратда: совет делегациясининг бир гуруҳ вакиллари.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

## «СИЗЛАРДАН ЎРНАК ОЛАМИЗ...»

Субхас МУКЕРЖИ,
Осиё ва Африка ёзувчилари VII конференциясини ўтказиш комитетининг аъзоси.
(Ҳиндистон).

— Ҳиндистон халқлари учун қадрдон бўлиб қолган Ўзбекистон пойтахтига тағин қадам қўйганимдан чексиз бахтиёрман. Бизнинг кишиларимиз Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги урушнинг тўхталиши тўғрисидаги Тинчлик декларацияси Тошкентда имзоланганлигини ҳанузгача мамнуният билан эслайдилар. Бундан ташқари, Осиё ва Африка ёзувчиларининг юбилей конференцияси Тошкентда ўтказилаётганлиги қувончлидир, чунки 1958 йил октябрь ойида бу икки қитъа адиблари биринчи марта Ўзбекистон пойтахтига тўпланишиб, империалистик кучларга қарши курашда бирдам эканликларини билдиришган, ўзларининг ижодий ташкилотлари — Осиё ва Африка ёзувчилари ассоциацияси атрофига жипслашган эдилар. Мана энди ижодий уюшма вужудга келганлигининг 25 йиллигини тантанали равишда нишонламоқдамиз. Ўтган йиллар мобайнида ер юзида жуда катта тарихий ўзгаришлар юз берди, қатор-қатор мамлакатлар мустамлакачилик ва жабр-зулм кишанларидан халос бўлиб, эркин ҳаёт қучоғига кирдилар. Тошкент руҳининг барқарор эканлигини тасдиқловчи бундай воқеалар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда ва бу руҳ оқ кабутар каби мусаффо кенгликларда парвоз этмоқда.

Биз конференция ишида иштирок этиш билан бир қаторда республикангиз ҳаёти, унинг ажойиб кишилари билан яқиндан танишмоқдамиз, совет адабиётининг атоқли намояндалари билан ижодий мулоқотда бўлмоқдамиз. Тошкент кейинги йилларда ўзининг қиёфасини бекиёс даражада ўзгартириб юборганлиги, у гўзаллашиб кетганлиги, ўзининг 2 минг йиллигини нишонлаган шаҳар Совет Шарқининг ёрқин машъалига айланганлиги мени чексиз ҳаяжонга солди. Сиздан ибрат олса арзийди. Шу ўринда мен Ҳиндистон халқлари Совет Иттифоқи, хусусан, Ўзбекистонда эришилаётган улкан муваффақиятлардан қувонаётганликларини таъкидлаб ўтишни истардим.

Конференцияда иштирок этаётган тараққийпарвар адиблар билан ижодий суҳбатда бўлар эканман, ҳамкасб дўстларим ҳозирги безовта асримизда тинчлик учун кураш жаҳон халқларининг азму-қарорига айланганлигини изҳор қилмоқдалар. Дарҳақиқат, империалистик кучлар пухта ўйланган ҳийла-найранглар билан бутун дунё халқларининг осойишталигига хавф солаётган бир пайтда Совет Иттифоқи бошчилигидаги тинчликсевар кучлар юзага келган кескинликни юмшатиш, ядро урушининг олдини олиш ва бутун ер юзида тинчлик, озодлик ва ижтимоий тараққиёт тантана қилиши учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар этмоқдалар. Халқларнинг бу адолатли кураши ғалаба қилиши муқаррар! Осиё ва Африка ёзувчиларининг VII конференциясида муҳокама қилинаётган долзарб масалалар ҳам ана шу эзгу орзу ва мақсадларнинг бирлиги, уларнинг рўёбга чиқиши учун хизмат қилажак.

Патрик Читамби ЗУЛУ,
(Замбия).

## ОЛИСЛАРДА

Олис чўққиларнинг орти бепоён,
Унда киндик қоним томган ошиён.
Йиллар ўтар, аммо имлар шуълалар,
Болалигим кечган сўлим гўшалар.
Унда боликнинг қўшиғи янграр,
Майсалар сочини тарар шамоллар.
Наздимда, сертупроқ мен босган йўллар,
Ҳамон оёғимни қучиб эркалар.
Узоқларда қувнаб шовуллар дарё,
Сен билан югурдим унда эй, барно!
Куйлар билан ошно тутиндим хушҳол,
Соғинчла эслайман уларни алҳол.
Неча бор нотугал кўрдим оламни,
Неча бор туйдим мен ғаму аламни.
Ҳамон ёлғизликда ҳижронзадаман,
Қайғу-ла йўл олдим узоқларга ман.
Олис-олисларда яшил майсазор,
Ҳамон болаликни эслатар такрор.
Беташвиш у кунлар мисоли рўё,
Чорлар оғушига ўшал бир нидо...

Бозор НОМОЗОВ таржимаси.

Дей Ананг Майкл,
(Гана)

## ГАНА МАНГУ ЯШАР...

Гана яшар
абадул-абад,
Қанот эрур
орзу-тилаги.
Бўғолмайди
уни ҳеч офат,
Уриб турар
оташ юраги.
Доим шундоқ
яшаб келди у,
Яшайди мангу!

Гана худди
қизил атир гул,
Чор атрофга
сочади хуш бўй.
Кўз-кўз қилиб
ҳусн-чиройин
Кундай кунга чўзар
кўкка бўй.
Эсиб турфа
замон шамоли,
Тўзғитолмас
қадди, жамолин.

Гана яшар
абадул-абад,
Куч-ғайратга
тўлиқ билаги.
Афсонамас,
Эрур ҳақиқат:
Гана —
улкан юртнинг юраги.
Гана — севги,
Гана — садоқат,
Яшайди у
абадул абад!

Русчадан таржима.

Ц. ДАМДИНСУРЭН,
(Монголия).

## КЕРУЛЕН ДАРЁСИ БЎЙИДА

Керулен дарёсин сувлари биллур,
Чўққилар хаёл-ла туради хомуш.
Қирғоқда сув қайнар... Тоғлардан келур,
Мўғул рубоблари янгратган товуш.
Тўсатдан қўзғалиб кучли шаббода
Қутириб йўл солар саҳролар томон.
Баҳор қўшиқлари янграр ҳавода
Юракларда қўзғаб ширин ҳаяжон.
Оқшом чоғи қирғоқ бўйлаб бир йигит
Отини елдириб борар шамолда.
Балки, ёри кутиб турар бўлиб хит,
Сояси ёнма-ён чопар хаёлдай.
Керулен дарёси сен ҳам дарбадар
Чопасан висолга Далайнор сари.
Улуғ қудратингдан беради хабар
Халха шамоллари эсиб сарсари.
Йигит тиним билмай чопмоқда ҳамон,
Кўзга ҳам илинмас узоқ-узоқда.
Яқин қолди висол чоғи бегумон,
Кўрар севгилисин ўз қучоғида.

Рауф ТОЛИБ таржимаси.

ХАЛҚАРО «НИЛУФАР» МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ



Файз Аҳмад ФАИЗ,
(Покистон)

Файз Аҳмад Файз (1911 йил туғилган) — покистонлик шоир, урду ва панжоб тилларида ижод қилади. Покистонда тинчлик тарафдорлари ҳаракати ташкилотчиси ва раҳбарларидан бири. 1950 йилдан буён у Бутунжаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси. «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти ҳамда «Нилуфар» журнали мукофоти лауреатидир.

## ЮРАГИМНИНГ РАНГЛАРИ

Сен кетдинг—бутун атроф қолди худди донмги янглиғ:
осмон — осмон, йўл—йўл, шароб шароб бўлиб.
Ва лекин ногаҳон шароб, осмон, йўл
ўзгартирар юрагимнинг бўёб қўйган рангларини:
олтин ранг — бу висолларимизнинг шодлик бўёғи,
қовжираган майсалару япроқлар ранги —
кулранг бўёқ — қайғули дамлар
ёки гулу ғунчаларнинг оловли ранги —
оғуларнинг, қонларнинг, севги оқшомларининг ранги.
Осмон, йўл, шароб:
алдамчи кўзгу,
ивиган кийим,
бузилган асаб.
Сен келдинг — шундай мен билан бирга бўл ахир,
йил фаслларининг ҳам ё бошқа нарсаларнинг ҳам ранги
қола билсин қандай бўлса, ҳамиша шундай:
осмон-осмон, йўл-йўл, шароб-шароб бўлиб менинг
косамда.

## Т У Н Д А

Йўл бўйида дарахтлар. Эшиклар. Соялар. Оҳиста
томлар узра яланғочлар кўкрагини ой,
елкадан тушган рўмолдек сирғалар аста...
Том пастига, сояга эса тўшайди мовийлик,
гўёки кўлдаги сув мисол.
Япроқча пуфаги билинар-билинмас сузар кўл бўйлаб.
Сузиб борар, тўхтаб қолар—чўкар оҳиста.
Ва жуда оҳиста косамга шароб
тўла бошлар, аста-аста, оҳиста.
Шаробнинг совуқлиги ва сенинг кафтларинг
пуштилиги — ёдга солди олис тушимни:
аввал равшан кўринардик ўзимиз, кейин—бамисли
эриб кетдик оҳиста...
Мангулик ҳақидаги сўз жаранглади қалбда оҳиста.
Сен ҳам айтдинг... Нима? Эшитмадим? О, қандай
оҳиста!

Ой энгашиб олиб, шивирлади:
«Оҳиста!..».

Эргаш МУҲАММАД таржималари.



*

СУРАТДА: Субхас Мукержи Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, шоир Эркин Воҳидов билан.

М. Исломов фотолари.

*

## АДИБЛАР СИЙМОСИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида республикамизда ўтаётган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII конференциясига бағишланган Ўзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаевнинг «Дўстона учрашув» асари намойиш этилмоқда.

Рассом бу полотносини 1958 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг I конференциясидан сўнг яратганди. Суратда меҳмонларни конференция даргоҳида кутиб олаётган ўзбек совет адибларидан Ойбек, Зулфия, шунингдек, бир гуруҳ турли қитъа ёзувчилари ифода этилган. Мой бўёқларда қиёмига етказилган истеъдодли рассомнинг йирик иши йигирма икки йилдан бери музейдан муносиб ўрин олиб келмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

Сэнгийн ЭРДЕН, (Монголия)

## ЁЛҒИЗЛИК

ҲИКОЯ

БАҲОР келиши билан кўчиш бошланди. Ўша кунни кекса Дош бир умрга эслаб қолди. У ўтовнинг шундоқ ёнгинасида таҳлаб қўйилган ўтин устига ўтириб олиб, баҳор ғира-ширасида қаршисидан ўтиб бораётган кўч-кўрон ортилган аравалар, отга минган одамларни кузатарди. Кузатардию ўзича минғилларди: «Бечора ер, бечора ер!». Унинг намланган кўзлари тинмай жовдирар, гоҳ-гоҳ тишларини ғижирлатиб туфлаб қўяр, қуруқшиқ сертомир қўллари билан чарм этигини силарди.

Усти шох-шабба билан ёпилган бостирма тагидан кампири чиқиб қолди, унинг қўлида овқат бор эди.

— Банхар! Банхар! — чақирди у. Ўтовнинг орқасидан юнглари ҳурпайган кучукча югуриб чиқди-да унинг оёқлари тагида қийшанглай бошлади. Чол эркаланаётган Банхарга ҳам, этаги ерда судралган кўйлак кийган кампирига ҳам бефарқ қараб тўнғиллади:

— Кампир, анавиларга бир қарагин-а! Худди уруш бошлангандек қуён бўлишяпти.

Кампир қўлини кўзига соябон қилиб йўлга қаради, сўнгра бир хўрсиниб қўйди:

— Ҳамма кўчиб кетяпти, ҳамма ҳаракатда. Биз бўлсак: тухум босиб ўтирибмиз.

— Сен ҳам кўч-кўронингни йиғиштириб, орқаларидан кетавер, — норози бўлиб тўнғиллади чол. Кампир яна нималарнидир деб алжиради-да, ўтовга кириб кетди:

«Бечора ер! Шунча йил яшаб ўрганиб қолган ерини ташлаб кетаётган бу одамлар нима қилишмоқчи ўзи? Ўтроқлик, ўтроқлик, ўтроқлик... Ёки ҳаммаларига яйлов торлик қилиб қолдимикин? Янги жойда чорва семирармиди, сигирлар сут берармиди? Дейдиларки, албатта, ҳамма одамлар бир ерда тўда бўлиб яшашлари керак. Чироғи бор, иссиқ уйларга кўчиб боряпмиз, деб қувонишяпти-я. Бу ақли калта кампиримниям ўша ёққа кетгиси бор».

Банхар овқатини паққос тушириб бўлди, кейин думини ликиллатиб, эгасининг олдига борди. Яна эркаланиб чолнинг чарм этигини тортқилай бошлади. Қария кучукчани оёғи билан туртиб юборди, у ангиллаб нари кетди. Қишлоқ хўжалик бирлашмаси бригадасида бир йилдан буён мана шу довондаги саҳоватли, аммо кўримсиз ерлардан, марказий қўрғонга яқинроқ жойга кўчиб ўтиш ҳақида гап бўлаётганди. Кекса Дош буни истамас, бу ҳақда ҳатто эшитгиси ҳам келмасди. У ўзига қадрдон бўлиб кетган бу жойлардан кўнглини узмасди, аввалига қарияларга тушунтирмоқчи бўлди, йиғилишларда кўчишга қарши гапириб чиқди. Бироқ кунлар ўтаверди, кўчиш ҳақидаги гаплар эса тўхтамади. Айниқса, ёшлар янги режаларни қизғин муҳокама қилишарди: янги жойда қуриладиган посёлка қандай бўларкан, деразали уйларда қандай яшаркин? Улар ҳатто сут соғадиган электр машиналар ҳақида ҳам орзу қилиб қўйишади — буларнинг барчаси эртакка ўхшайди.

Баъзан эса Дош маъюс бўлиб қолар, юрагига шубҳа тушарди. Аммо у бутун умри ўтган, бахтини топган қадрдон ўлканинг ўзига таниш йўлларидан майда қадам билан одимлаб борар-кан, хотираларга берилиб кетарди...

Бундан жуда кўп йиллар илгари, у ҳали ёшлигида ер юзи бўйлаб кўп изғиди, кўп нарсаларни кўрди, бошидан кечирди, ўтда тобланди, сув кечди. Бу ерга келгач, ҳаммасини бошидан кечиришга тўғри келди — на уй-жойи, на ити бор бўлиб, лочин мисол яп-яланғоч эди. Аста-секин ҳаммасига эга бўлди — ўтови оқарди, оғилга от боғланди, остонада уни хотини кутиб олади. Уйида ҳамма нарса бисёр. Бошидан кечирган кунларини яна бир бор эслар экан, Дош кигиз ўтовдан то қабрга йўл оладиган пайт келмагунча ўзига қадрдон бўлиб қолган бу жойларни тарк этмасликка қасам ичди.

Бироқ Мазгил учун фақат биргина унинг юраги очишарди, ҳатто Дошнинг тенгдошлари орасида ҳам қадрдон ўлка суви ва тупроғи нималигини биладиган одам топилмаса-я?

Ҳамқишлоқлари чолни кўчишга кўндирмоқчи бўлиб гап очишлари биланоқ, у айтганида туриб оларди: «Мен Мазгилни қўриқлаб қоламан. Ўзимнинг озмикўпми чорвам бор. Менга ташвиш тортмай қўя қолинглар».

Вақт ўта борди, кўклам келди, одамлар кўчишга ҳозирлик кўра бошладилар. Кампир тушмагур баъзи-баъзида жавраб қўярди: «Бу ерда ёлғиз ўзимиз қандай қилиб қоламиз?». Чолнинг эса жаҳли чиқарди. «Калланг ишламайди-да! Мана шу ерда одам бўлганинг учун ундан абадий қарздорлигингни наҳот тушунмасанг? Агар кетсанг, ўзинг кўчиб кетавер. Мен ёлғиз бўлсам ҳам яшайвераман. Сен билан бўлдим нима-ю, бўлмадим нима — бари бир эмасми?». У асабийлашиб тутоқиб кетарди, кейин дарров ўзини нари олиб қочарди. Бир ёстиққа бош қўйганларидан буён ўтган қирқ йил ичида кампир шуни яхши пайқаб етдики, ёшликда кучга, қариганда эса ақлга таянмоқ керак экан. У ҳамма соҳада эрининг раъйига қарашга, оила осойишталигини муқаддас сақлашга ҳаракат қилиб келди, илгари ҳеч қачон, ҳеч бир масалада эри билан тортишмас, нари борса ўзига ўзи пичирлаб қўярди.

Ўша куни охирги оила кўчаётган эди. Кекса Дош ўтинлар устида ўтирганича улар орқасидан минғиллаб қолди: «Бечора ер! Бечора ер!» Кампир ҳувиллаб қолган жойларга тикиларкан, қони қайнарди, бироқ ошкора айтишга журъат этолмасди. Одатга кўра, у кечқурунлари подани қўрага ҳайдаб кирар, чолнинг қайсарлиги қачон йўқоларкин, деб кутиб ўтирарди. Ўтовнинг ён-атрофи бўм-бўш, одамзот кўринмайди: гоҳида йўлдан машина ўтиб қолади ёхуд уфқда йилқилар уюригина кўзга ташланади.

Ёз келди. Ёмғир ёғди. Июннинг ўрталарида Дош ун, ёрма, чой, тамаки харид қилгани посёлкага отланди. Шу пайт бирданига кампир жунбушга келди. Илгари ҳеч қачон бунақа қилмаган эди. Уйда ёлғиз ўзим қолмайман, деб туриб олди. Чол ғазабдан қамчинни қўлга олишига сал қолди, аммо тўнғиллаш билан чекланди:

— Агар шундай бўлса, ўзинг боравер, шум кампир!

Кампир сепдан қолган ола хуржунини эгарга илди-да, отни елдай учириб кетди.

Посёлкада у дарҳол ўз ҳамқишлоқларини учратиб қолди. Улар кампирга бригада энди қаерда яшаётганини кўрсата бошладилар: у ёғоч уйларни, тоза, батартиб фермаларни, бузоқхона, чорва турадиган бостирмани томоша қилди. Буларнинг барчаси уни шу қадар ҳайратга солдики, албатта, ҳамқишлоқлари ҳам жим туришмаган эди — кампир орқага қайтар экан, чоли билан жиддий гаплашишга қатъий аҳд қилиб қўйди.

Банхар жуда зерикиб қолган экан, бекасини кўргач, унга пешвоз чиқди, сут ҳиди анқиб турган кўйлагининг этагини ялаб-юлқий бошлади. Чол эса кампирни қовоқ солиб кутиб олди. Бека уйда йўқ пайтида бўри бузоқчани олиб қочибди. Бу хабарни эшитган кампир эрини койишга тушди, ҳамма ақлли кишилар аллақачонлар янги жойга бориб ўрнашиб олишгани ва у ерда маза қилиб яшаётгани ҳақида тўхтамай сайрайверди. Чол кроватда ётар экан, бепарволик билан деди:

— Нималар деб валдираяпсан? Одам ёғоч уйга кўчиб ўтади-ю чорваси ўз-ўзидан тез семириб кетади, деб ўйлайсанми? Бу каллаварамлар кузга бориб, бош қашиб қолишларини кўрасан ҳали.

Кампир тугунни очди. Ичидан бир пачка тамакини олиб стол устига ташлади.

— Одам бошқалардан ажралиб қолса, нимаси яхши. Агар бундан кейин ҳам қайсарлик қилсангиз, бир ўзим посёлкага кетиб қоламан.

Чол асабийлашди.

— Кетавер! Агар шунча йил бир ёстиққа бош қўйиб мени ташлаб кетмоқчи бўлсанг, майли, мен ўлганимда нима қилар экансан? — деди у.

Кампир орқасини ўгириб олиб, олиб келган нарсаларини бирма-бир стол устига териб қўярди. У ўзича бир нима деб тўнғиллади, аммо овоз чиқариб ҳеч нарса демади...

Орадан бир неча кун ўтгач, чол арқон кўтариб қўра учун қозиқлар олиб келгани тоққа кетди. Уйга жуда кеч қайтди. Ҳовлисига яқинлашаётганида пайқадики, мўридан тутун чиқмаётган эди. Чой тайёр эмаслигидан унинг жаҳли чиқа бошлади. Сўнгра ўтовга кирди. Қай кўз билан кўрсинки, ичкарида кампир йўқ эди. Кроват олдидаги сандиқ ярим бўшаб қолган, девор тагида ётган эгар ҳам, юган ҳам йўқ эди. У бирданига мажолсизланиб, худди қопдек ўринга гурс этиб тушди.

«Бу нимаси?. Ғирт шармандалик-ку», ўзига келмай тўнғиллади у. Бунга хафа бўлиш керакми ёки қувонишми, ҳали тушуниб етмасданоқ алам билан йиғлаб юборди.

Русчадан Тоҳир МИРҲОДИЕВ таржимаси.

## КИТОБ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

АЛИШЕР Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрининг фойесида Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатининг 25 йиллигига бағишланган китоблар кўргазмаси очилди.

Кўргазманинг очилишида Осиё ва Африка ёзувчилари VII Тошкент конференциясининг қатнашчилари ва унинг меҳмонлари ҳозир бўлдилар. Бу ерга намойишга қўйилган китоблар орасида Осиё ва Африка адабий уюшмасининг Файз Аҳмад Файз ва Нозим Ҳикмат, Уильям Дюбуа ва Яшпал, Мулк Раж Ананд ва Ғафур Ғулом, Мирза Турсунзода ва Сембен Усмон, Зулфия ва Азиз Несин, Алекс Ла Гума ва Чингиз Айтматов, Есиэ Хотта ва Анатолий Софронов, Расул Ҳамзатов ва Саджад Зоҳир каби таниқли ижодкорларнинг асарларини кўришимиз мумкин. Турли йилларда ва тилларда чоп этилган бу китоблар икки қитъа адибларининг ижоди маҳсулидир.

